

---

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича 2020 йил 3 июнь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳамда Фарғона вилоятига ташриф давомида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошлоқ тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси АТ “Халқ банки” Бошқарув Раиси Фарҳоджон Саламов ва туман ҳокими Абдуқаҳҳор Жўрабоевларнинг туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда АТ “Халқ банки”нинг республика, вилоят ва туман филиаллари вакиллари, шунингдек тумандаги элликдан ортиқ тадбиркорлар қатнашдилар. Учрашувни туман ҳокими Абдуқаҳҳор Жўрабоев очиб бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик банклардан бири бўлган Акциядорлик тижорат “Халқ банки”даги ижобий ўзгаришлар ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича кенг кўламдаги лойиҳалар ижросини биргаликда амалга оширилиши ҳақида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Халқ банки Бошқаруви раиси Фарҳод Саламов сўзга чиқиб Акциядорлик тижорат АТ “Халқ банки”да бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар билан таништириб ўтди. Банк томонидан Тошлоқ туманидаги амалга ошириладиган режалар тўғрисида алоҳида ишчи гуруҳ тузилишини, Бошқарув томонидан масалаларни жойида ҳал этиш учун малакали ходимлар жалб этилишини таъкидлади. Шунингдек, туманда камбағалликни қисқартириш бўйича қонун доирасида ҳар қандай масалада амалий ёрдам кўрсатишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг [“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”](#), [“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”](#) ва [“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”](#)ги Фармонлари, [“Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”](#), [“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”](#), [“Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”](#) ва [“Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”](#) қарорлари ижросини изчил таъминлашга тайёр эканлигини мамнуният билан таъкидлади.

Ф.Саламов Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан аҳолини тадбиркор бўлишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, аҳолини турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида янги иш ўринлари яратишга кўплаб имкониятлар яратилаётганлиги юзасидан йиғилганларга батафсил тушунтириш берди. Халқ банки Бошқаруви раиси ва учрашув қатнашчилари Тошлоқ туманида фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммоли масалалар, таклиф ва мулоҳозалари тингланди.

Жумладан Учолиш МФЙда фаолият кўрсатувчи “Тошлоқ Юсуф Амин” фермер хўжалиги раҳбари Х.Юсупов насли чорвачиликни ривожлантириш учун АҚШ доллари валютаси ҳисобида олинган кредит муддатини 7 йилдан 10 йилга узайтиришда ҳамда фарзанди “Саховатли Рахимов Икромжон” деҳқон хўжалиги номига расмийлаштирилаётган 200 млн. сўм миқдоридаги кредитни тезроқ олишда амалий ёрдам сўради. Яккатут МФЙда фаолият кўрсатувчи ЯТТ Рустамов Авазбек шлакоблок ишлаб чиқариш дастгоҳи сотиб олиш учун 30 млн. сўм, Турват МФЙда фаолият кўрсатувчи “Шаҳзодбек садаф” деҳқон хўжалиги раҳбари М.Валиев иссиқхона ташкил этиш учун 200 млн. сўм, Заркент МФЙда яшовчи Бекмуҳаммад Бегматов иссиқхона ташкил этиш учун 70 млн сўм миқдорида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўради. Шунингдек йиғилиш давомида имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган 9 нафар тадбиркорларнинг 5 нафарларининг мурожаатлари жойида ҳал этилди. Ўттизга яқин тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунчалар берилди. Муддат ва ўрганиш талаб этиладиган мурожаатларни ҳал этиш юзасидан эса чора-тадбирлар белгиланди.

***Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.***